

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 29 май • №14 (1295)

Видеоселектор

«БЕПАРВОЛИК ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ БАРЧА ИШЛАРИМИЗ НАТИЖАСИНИ ЙЎҚҚА ЧИҚАРИШИ МУМКИН»

Жорий йилнинг 26 май кuni Президентимиз раислигида инвестиция масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

– Кейинги кунларда коронавирус билан касалланганлар сони республикаимизда ҳам кўпайганини қайд этилмоқда. Айтиш кераки, аксарият ҳудуд ва корхона раҳбарлари, фуқароларимиз карантин чораларининг юмшатишганини «касаллик тугади» деб, нотўғри қабул қилмоқдалар.

Бугунгача чет элдан олиб келинган фуқароларимиз сони 47 мингтани ташкил этмоқда. Афсуски, уларнинг, айниқса кейинги икки ҳафта давомида кириб келганларнинг аксариятида коронавирус аниқланган.

Беморларнинг қарийб 50 фоизини ҳам хориждан келган фуқаролар ташкил этади.

Кейинги 10 кунда 3,5 минг одам ҳаво йўллари, 7 мингга яқин ватандошимиз чегара постлари орқали юртимизга кириб келиши кутуляпти. Бунга қўшимча яна 100 минг нафардан ортиги Ўзбекистонга қайтиш истагини билдириб, навбат кутмоқда.

Фуқароларимиз қайтиб келаётган давлатлар ҳамда қўшни мамлакатлардаги вазиятнинг оғирлигини ҳисобга олиб, хотиржамликка берилиш мумкин эмас.

Айниқса, бозорлар, савдо комплекслари, банкларда ижтимоий масофага амал қилмаслик, кўча-кўйда тиббий ниқоб тақмаслик, бемалол ва хотиржам бўлиб, уйларда турли тadbирлар ўтказиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Бундай салбий ҳолатлар касалликни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш учун қилаётган барча ҳаракатларимиз, бюджетдан олинаётган триллионлаб ҳаражатларимиз натижадорлигини йўққа чиқариши мумкин.

Республика комиссияси вилоят ҳокимлари билан бирга бир кун муддатда эпидемиологик вазият ёмонлашган ҳудудларнинг тоифасини қайта кўриб чиқин ҳамда карантин чораларини кучайтириш бўйича тақлиф киритсин. Соғлиқни сақлаш вазирлиги «қизил» ва «сарик» ҳудуд-

ларда кунлик тест олиш сонини ошириши лозим. Бунда тиббиёт муассасалари, бозорлар, банклар ва аҳоли кўп жойларда назорат тестлар олишни кўпайтирсин.

Шу ўринда бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқчиман. Пандемиянинг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилдик. Лекин жойларда ушбу қарорлар ижросини ташкил этиш оқсамокда, яратилаётган шароит ва имтиёзларни фуқаролар ва тadbиркорларга манзилли етказа олмаганимиз.

Олий Мажлис палаталари жойларда халқ депутатлари кенгашлари билан бирга пандемияга оид Президент қарорлари ва топшириқлари ижроси юзасидан парламент ва кенгашларнинг таъсирчан назоратини йўлга қўйиш кутилган натижа бериши мумкин.

Шунингдек, туман, шаҳар, вилоят ҳокимлари, вазирлар ҳар ойда бир марта Президент қарорлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, оммавий ахборот воситалари, парламент вакиллари ва кенг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб борсин.

Албатта, карантин чораларини юмшатиш туфайли 19 мингдан зиёд (91 фоиз) санонат, 9 мингта (76 фоиз) курилиш, 51 мингта (52 фоиз) хизмат кўрсатиш, 45 мингта (44 фоиз) савдо корхоналарининг фаолияти тикланди.

Бунинг натижасида май ойида солиқ ва боғжона тушумлари ўтган ойнинг мос даврига нисбатан 230 миллиард сўмга, товар-хом ашё биржасида курилиш материаллари савдоси ҳажми эса 20 фоизга кўпайди.

Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш ҳажми ўтган ойнинг мос даврига нисбатан 13 фоизга ўсди.

Бу борадаги ишларимизни карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда, ҳам тармок, ҳам ҳудуд кесимида манзилли тарзда давом эттириши-миз лозим.

Манба: www.president.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“Меҳр-саховат” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Жаҳон миқёсида кенг тарқалиб, глобал муаммога айланган коронавирус пандемияси даврида, шунингдек, турли табиий офатлар, favқулодда ҳолатлар туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, миллий қадрият ва анъаналаримизни муносиб давом эттириб, меҳр-оқибат, саховат, ҳиммат ва олижаноблик фазилатларини улуғлаб келаётган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга беминнат кўмак бериш борасидаги ишларни умумхалқ ҳаракати даражасига кўтаришга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб, бегараз ҳомилийк ёрдами ҳамда эзгу ишлари билан кўпчиликка алоҳида ўрнатқан юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. “Меҳр-саховат” кўкрак нишонини таъсис этилсин.
2. Қуйидагилар: “Меҳр-саховат” кўкрак нишонини тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ; “Меҳр-саховат” кўкрак нишонининг тавсифи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда “Меҳр-саховат”

кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 май
Ш. МИРЗИЁЕВ

“Меҳр-саховат” кўкрак нишони



ЯНГИ ОРДЕН ВА МЕДАЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Саломатлик” ордени ва “Соғлом турмуш” медалини таъсис этиш тўғрисидаги қонунларни имзолади.

“Саломатлик” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ҳамда ушбу соҳада халқроқ ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланади.

“Саломатлик” ордени билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

“Саломатлик” ордени икки даражадан

иборат бўлади:

I даражали “Саломатлик” ордени;

II даражали “Саломатлик” ордени.

Орденнинг олий даражаси I даражадир. Мукофотлаш, қоида тарихисиде, қуйидаги тартибда: аввал II даражали орден, орадан камиде уч йил ўтгандан кейин I даражали орден билан тақдирлаш тарзида амалга оширилади.

“Соғлом турмуш” медални билан:

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, орттиқ вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларнинг олдини олиш, соғлом овқатланиш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни кенг тарғиб қилишга қўшган катта ҳиссаси учун – соғлиқни сақлаш муассасалари шифокорлари, шу жумладан диетологлар, жисмоний тарбия инструкторлари, соғлиқни сақлаш масалаларини ва соғлом турмуш тарзини ёритувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар;

жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш ва уни кундалик турмуш тарзига айлантириш, соғлом ҳаёт тарзига қатъий амал қилиш борасида жамоатчиликка шахсий намуна бўлаётгани учун – фуқаролар, намунали оилалар ва спортчилар;

оммавий жисмоний фаоллик тadbирларини тизимли ташкил қилиш орқали уни умуммиллий ҳаракатга айлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун – барча даражадаги ташкилот ва идоралар раҳбарлари;

спорт мусобақалари орқали ёшларда ирода, матонат, ўз кучи ва имкониятларига ишонч фазилатларини мустаҳкамлаш, уларда ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат туғуларини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун – мудофаа тизими вакиллари, қоқори натижаларга эришган спортчилар ва уларнинг тренерлари, ҳакамлар ва спорт ташкилотларининг вакиллари;

жисмоний тарбия ва спортни республикаимизда янада ривожлантириш ва оммалаштириш, спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbирларини қоқори савияда ташкиллаштириш, спортчиларнинг ўқув-йиғин машғулотлари ва халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга қўшган ҳиссаси учун – барча даражадаги ҳокимлар ва улар-

I даражали “Саломатлик” ордени



II даражали “Саломатлик” ордени



“Соғлом турмуш” медални



нинг ўринбосарлари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари раҳбарлари, ҳомилар, спорт федерация (уюшма)ларига бириктирилган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари мукофотландилар.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев республикамиз ҳудудларига ташифлари жараёнида, фаоллар билан ўчрашувларда, тиббиёт тизими мутасаддилари билан ўтказган йиғилишларида асосан касалликни даволашга эмас, балки унинг олдини олиш тадбирларига ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига катта эътибор қаратдилар.

Ушбу йўналишда Мухтарам Президентимизнинг махсус қарорлари қабул қилиниб, Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ташкил қилинди.

Ўтган даврда марказ республикадаги даволаш-профилактика муассасалари билан ҳамкорликда аҳолининг соғлом овқатланиш тамойилларига риоя қилиши, жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш ва кенг тарғиб қилиш, саломатлиқни муҳофизат қилиш ва умр давомийлигини ошириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Яъни, одатдагидек зал ва клубларга 10-20 нафар одамни тўлаб, маърузалар ўқиш, варақалар тарқатишдан воз кечган ҳолда тиббиёт ходимлари фаоллик намоён қилди ва аҳолининг ичига кенг кириб бордилар. Бунда маҳаллаларда, аҳоли кўп тўпланадиган манзиллар (бозор, парк, супермаркет, хиббона) да соғлом овқатланиш ярмаркалари ташкил қилиниб, кенг жамоатчиликка озиқ-овқат маҳсулотларининг хусусиятлари, тўғри овқатланиш тамойилларига қандай усуллар билан риоя қилиш бўйича амалий, индивидуал ёндашувларга асосан сўхбатлар ўтказилди. Чунки ундан аввал мазкур фуқаронинг антропометрик ўлчовлари, овқатланиш тартиби ва одатлари, жисмоний фаоллик ҳолатларидан ва саломатлик ҳолати баҳоланди, шахсий режа асосида сўхбатлар ўтказилди. Шунингдек, республиканинг барча туман ва шаҳарларида оммавий гимнастика, оммавий юриш, велосайр, маҳаллалар, муассаса ва корхоналарда саломатлик стартирларининг ўтказилиши йўлга қўйилди. Бу каби тадбирнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларга

мутасадди ташкилотлар, ҳокимликлар ҳам кенг жалб қилинди, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди. Бироқ мазкур тадбирларнинг фақат тиббиёт ходимларининг ташаббуси билан ташкил қилинганлиги ҳамда ушбу тарғибот тадбирларини ўтказилишидан на унинг ташкилотчиси, на иштирокчиси ва на аҳоли вакилларининг манфаатдорлиги етарли бўлмади. Натijaда ва самара ҳам биз кутган даражага чиқмади. Томонларнинг ушбу жараёнга қизиқиши ва интилиши талаб даражасида эмас эди. Мазкур тадбирлар ташаббускори ҳам, ташкилотчиси ва иштирокчиси ҳам асосан тиббиёт ходимлари бўлиб қолаверди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисда ҳам айнан шу масалани яна бир бор кўтариб, мутасадди раҳбарларга аҳолини соғлом овқатланиш тамойилларига риоя қилиш, жисмоний фаоллик, саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш, зарарли одатлардан воз кечиш, ортиқча ваздан халос бўлиш бўйича кўрсаткичлар асосида нафақат мутахассислар учун, балки оддий фуқаролар учун ҳам манфаатли бўлган моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш топширғини берган эдилар. Мазкур топширғин ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ томонидан юртимизда жисмонан соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, жисмоний ва тиббий маданиятни ривожлантириш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, бу борада халқаро ҳамкорликни юксалтиришда алоҳида хизматлари учун **I ва II даражали "Саломатлик" ордени** ва **"Соғлом**

МАТОНАТ ВА ФИДОЙИЛИК РАМЗИ

турмуш" медалини таъсис этиш тўғрисида тақлиф тайёрланди.

Низомга мувофиқ **"Саломатлик" ордени** ва **"Соғлом турмуш" медал** билан **фуқаролар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сийбосини амалга ошириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга оид дастурларни амалга ошириш** жорий этиш борасида **кўп йиллик ва самарали меҳнати;**

жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, бу борада малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларида алоҳида фаоллик кўрсатганлиги;

аҳоли орасида тўғри ва хавфсиз овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш ишларини самарали йўлга қўйганлиги; соҳага доир методик қўлланмалар ва адабиётлар яратганлиги, бу борада илмий-тарбиявий ва инновацион фаолиятни ривожлантирганлиги, аҳоли саломатлигини сақлаш борасида хайрия ва хомийлик ишларини амалга оширганлиги;

спорт билан мунтазам шуғулланиш, бадантарбия машғулотларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш кўникмаларини шакллантириш, зарарли одатлар ҳамда турли касалликларни бартараф этиш, соғлом ҳаёт ва тўғри овқатланиш қоидаларига қатъий амал қилиш борасида шахсий намуна ва фаоллик кўрсатиб, юқори натижага эришганлиги учун мукофотланганлиги.

Яъни, мазкур ордени ва медалларнинг соҳибига аҳоли орасида соғлом бўлиш илмини яратган ва уни ҳаётга таъбиқ қилган мута-

хассислар бўлиши мумкинлиги билан бир қаторда ўз ҳудудидаги аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантирган ва буни кундалик турмуш тарзига айлантира олган кишлоқ врачлик пунктнинг оддий ҳамшираси ёки маҳалла фаоли, шу билан бирга соғлом ҳаётга қайтиш нияти билан ортиқча вазни йўқотиш, зарарли одатларни тарқатишда шахсий намуна кўрсатган ва бошқаларни соғлом ҳаёт сари эргашира олган оддий фуқаролар ҳам бўлиши мумкин. Мазкур ордени ва медалнинг жорий қилиниши бугунги кунда аҳолининг 85 фоизи мурожаатларини ва муаммоларини халқ қиладиган, фарзанд туғилгандан бошлаб уни вояга етказишга ҳар бир қадамида, кекса ёшдаги фуқаролар ва ногиронларнинг саломатлигини муҳофизат қилиш ва тиклашда энг биринчи маслаҳатчи, оиланинг тўлақонли аъзоси бўла олган, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда энг фаол иштирокчи саналган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ходимларининг узоқ кутган орзуси ва уларнинг заҳматли меҳнатининг нуносиб баҳолаши деб ҳисоблайман.

Зеро кишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг умумий амалиёт шифокорлари ва патронаж ҳамшираларининг зиммасида биринчи навбатда касалликлар профилактикаси, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш унинг негизи сифатида соғлом овқатланишни оилавий маданият қабиларни миллий қадрият даражасига кўтариш, жисмоний фаолликни кундалик ҳаёт тарзига

айлантириш вазифалари мутасадди. Мазкур тақлифни тайёрлаш жараёнида жaxon тажрибаси ўрганилиб, тарихга назар солинганди, одатда юксак давлат мукофотлари тиббиёт соҳасида бирон бир касалликни диагностикаси, даволаш, реабилитация қилишида эришган ютуқлари, худди шундай катта спортда мусобақалар голиблари ва уларни етиштириб чиқарган мураббий устозлари мукофотланиши мумкин. Бироқ Президентимизнинг ташаббуслари билан республикамиз фуқаролари, фақатгина соғлом бўлганлиги учун, "Саломатлик иммунитети"ни ўзида ҳосил қилгани ва уни атрофдагилар учун ҳам доимий кўникма даражасига айланишига қўшган ҳиссаси учун мукофотланганлар. Мен ушбу орденининг таъсис этилишини "...Фақат соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" деган доно фикрнинг исботи сифатида кўрдим.

Ва ҳозирданок бизнинг кўп асрлик тарихга эга, юксак миллий қадриятлар соҳиб бўлган халқимиз орасида мазкур юксак давлат мукофотига сазовор бўла оладиган ўз касбининг эгалари, инсонлар саломатлиги учун жонқур, фидойи ва албатта соғлом инсонлар кўпчилигига ишонаман.

Барно ОДИЛОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги хузуридаги
Аҳолининг соғлом турмуш
тарзини қўллаб-қувватлаш
ва жисмоний фаоллигини
ошириш маркази
директори.

«КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ШУ ТАРЗДА ЎССА, ҚАТЪИЙ КАРАНТИН ҚАЙТАДИ»

Ўзбекистонда сўнгги кунларда карантинга олинмаган аҳоли орасида коронавирусга чалиниш ҳолатлари сони кўпайди.

Кўп.уз мухбири **Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари – вазирлик хузуридаги санитария-эпидемиолог оқсоғиштак агентлиги директори Баҳодир Юсупалиев билан сўхбатда мамлакатдаги эпидемиолог вазият бўйича саволларга жавоб олди.**

– Бугунги кунда Ўзбекистонда коронавируснинг янги тўлкини кузатишмоқда. Янги аниқланган беморлар кимлар ва вирус кўпайишига нималар сабаб бўлмоқда? Ҳозирда вазият қандай?

– Ҳақиқатан ҳам бутун дунёда мураккаб вазият кечмоқда. Айни пайтда дунё бўйича 5 миллион 300дан ортиқ янги коронавирус ҳолатлари аниқланди. Кунига 100 мингдан ортиқ янги коронавирусга чалиниш ҳолатлари аниқланяпти. Ўзбекистонда ҳам кунига 30-40та, айрим ҳолатларда 60та ҳолат тасдиқланмоқда. Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш борасида жуда кўп чекловлар киритилган эди. Шу сабабли Ўзбекистонда бошқа давлатлар билан таққослаганда вирусга чалиниш ҳолатлари камроқ бўлди. Лекин биз санитария қоидаларига риоя этмасак, вазият

беморларни шифохонага ётқизяпмиз. Ўзбекистонда ҳар бир янги бемор дарҳол шифохонага ётқизилмади. Бундан ташқари, у билан мулоқотда бўлган ҳар бир одам карантинга олинмади.

– Вирус дастлаб четдан келган фуқароларда аниқланаётгани. Энди аҳоли орасидан аниқланяпти. Бизда вирус ўчоги пайдо бўлди?

– Биринчи ҳолат 15 мартда кайд этилди. Биринчи бемор билан мулоқотда бўлган инсонлар ҳам касалланган ва улар ўрнатилган тартибда шифохонага ётқизилди.

Нафақат бугунги кунда, балки олдин ҳам аҳоли орасида касалланганлар аниқланган. Олдинги ойларида бизда чекловлар қатъий эди. Шу туфайли вирус тарқалиши эҳтимоли камроқ эди. Бугунги кунда иқтисодий ривожлантириш, инқирозга дуч келмаслик учун чекловлар камайирилган. Энди биз янада маъсулият билан ёндашишимиз керак. Тегшли тартибларни амалга ошириш талаб этилади.

– Янги ҳолатларда юқши занжирлари аниқланганми?

– Албатта. Ҳар бир ҳолат бўйича занжир топилган. Кимдан, қаердан юқини аниқ биламиз ва назорат ўрнатилган.

– Айрим вилоятларда пандемиянинг иккинчи тўлкини кўтарилмоқда. Бунинг сабабларини нималарда кўрасиз? Бу борада кимдир ёки қайсида бир органга алоҳида жавобгарлик юкланиши мумкинми?

– Аҳоли орасида олдин ҳам тарқалган. Ҳозир кўпайди десак нотўғри бўлади. Вазият назоратга олинган. Яна таъкидлайман, ҳозирги кунда вирус тарқалиши эҳтимоли кўпроқ. Сабаби аҳолининг карантин талабларига ва чекловларига риоя этмаслиги сабабли ушбу вазиятга келиб қоляпмиз. Қайсидир орган бунга жавобгар бўлади десак нотўғри бўлади. Бугунги кунда барча органлар бор кучини сафарбар қилляпти.

– Коронавирусга чалинаётганлар уйда ўтирган фуқароларни ёки ишлашга рухсат берилган фуқароларни?

– Тўғриси айтиш керак, кўпроқ ишлаётган аҳоли ўртасида вирус аниқланиш ҳолатлари кузатишмоқда. Ўз навбатида ишлаб келган аҳоли уйига келиб, оила-аъзоларига ҳам вирусни юқтириш ҳолатлари бор. Асосан фаолиятга рухсат берилган фуқаролар орасида вирус аниқланмоқда.

Бугун ҳеч қайси ҳудуд "мен

яшилман", "яшил ҳудудга кирганман" дейиши керак эмас. Нафақат ҳудуд, туман, маҳалла керак бўлса оила ҳам яшил ҳудудга кирганман дейиши мумкин эмас. 1 соатда эмас, бир зумда ҳам ўзгариши мумкин.

– Ҳозирда биз қанчалик хотиржамликка берилишимиз ёки янада ҳушёр бўлишимиз керак?

– Тақдор айтаман. Айни дамда биз умуман хотиржамликка берилишимиз керак эмас. Албатта ҳушёр бўлишимиз керак. Кузга бориб яна бир бор вирусга чалиниш тўлкини кузатилиши мумкин.

– Аҳоли орасидан вирус аниқланиш ҳолатлари шу тахлит давом этса карантин қоидалари қайтадан қучатирилиши ва жорий этилиши мумкинми?

– Албатта. Президент томонидан сўнгги йиғилишда айнан шу масалаларда топширқ ҳам берилди. Бу бўйича биз талаб ишлаб чиқдик. Махсус комиссияга киритяпмиз. Агар касалланиш ҳолатлари шу тарзда давом этса, албатта, қатъий карантин чоралари қайтарилади.

Раҳматилло ИСРОИЛОВ
сўхбатлашди.

Актуальная тема

ЧТО ТАКОЕ ВТОРАЯ ВОЛНА КОРОНАВИРУСА И ГРОЗИТ ЛИ ОНА УЗБЕКИСТАНУ?

Что такое вторая волна коронавируса? Когда и почему она наступает? Сколько нам еще ходить в масках? На эти и другие вопросы "Газеты.uz" ответил главный инфекционист Минздрава, директор НИИ вирусологии Эркин Мусабаев.

Противоэпидемические ограничения, связанные с пандемией коронавирусной инфекции, действуют в Узбекистане уже более двух месяцев. Несмотря на значительные послабления в последние недели, люди не скрывают, что устали от карантина.

В зарубежных СМИ все чаще появляется упоминание второй волны коронавируса. Новые случаи после некоторой передышки регистрируются в Китае, Южной Корее и странах Юго-Восточной Азии.

"Газета.uz" попросила ответить на вопросы о второй волне коронавируса директора Научно-исследовательского института вирусологии и главного инфекциониста Министерства здравоохранения Узбекистана Эркин Мусабаева.

— Что такое вторая волна коронавируса?

— Я не знаю, что такое вторая волна коронавируса. Никто не знает, будет ли она. Это тяжело прогнозировать с научной позиции. Первыми о второй волне коронавируса заговорили журналисты по аналогии с эпидемиями гриппа. Эпидемии бывают постоянно, но до этого был грипп, и никто не думал, что будет другой вирус. Перемешали два разных понятия.

Гонконгский грипп штамма H3N2, эпидемия которого началась в 1968 году, имел три волны. Первая и самая агрессивная произошла весной в основном в странах северного полушария. Вторая, менее активная волна наступила осенью. Последняя волна гриппа

была наименее активной.

Только в Восточной и Западной Германии гонконгский грипп унес в общей сложности около 60 тысяч жизней. Сравните с коронавирусной инфекцией, летальность которой в ФРГ составляет 8000.

Конечно, обе инфекции — грипп и коронавирус — респираторные, передаются воздушно-капельным путем. Но у коронавируса SARS-CoV-2 нет такого эффекта чихания и нет такого активного респираторного эффекта. При гриппе аэрозольный шлейф после кашля большой. У коронавируса сухой кашель, и такого шлейфа нет. Кроме того, коронавирусная инфекция больше передается контактно-бытовым путем.

Грипп — сезонное заболевание. Похоже, что у коронавирусной инфекции такие же свойства, потому что заболевание с каждой декадой, по данным НИИ вирусологии, снижается. Мы считаем количество больных с пневмонией среди всех пациентов с положительным тестом на коронавирус.

Полтора месяца назад было больше реанимационных пациентов. Можно сказать, что тяжесть заболевания уменьшилась, что говорит о сезонности, свойственной гриппу. Но это нужно трактовать осторожно. При гриппе в самый пик эпидемии много тяжелых больных. Их количество снижается, когда сезон гриппа проходит.

— Была ли вторая волна эпидемии коронавируса 2003 года?

В 2003 году тоже была эпи-

демия коронавируса, известная как тяжелый острый респираторный синдром (SARS). Но тогда какие-то свойства вируса были другие. Человек с SARS-CoV-2 сначала заражает, а затем начинает болеть сам. Летальность коронавируса 2003 года была высокой, но наверняка он не был таким заразным. К тому же, не думаю, что в 2003-м мобильность людей была такой же, как сейчас.

— Почему происходит вторая волна инфекционных заболеваний?

— Это зависит от сезонности. В случае с коронавирусом мы не знаем, есть она или нет. Я предполагаю, что сейчас инфекция стала легче протекать, что лишь косвенно говорит о сезонности.

Хочу подчеркнуть, что понятие вторая и третья волны взято с эпидемии гриппозной инфекции.

Каждая последующая волна происходит в популяции людей, у которых уже есть иммунитет, поэтому вирус не может заражать всех. Вторая волна не означает, что болеют уже болевшие. Болеет новая когорта.

Нельзя сказать, может ли человек, ранее перенесший инфекцию, повторно заболеть. В медицине не бывает нулевой и стопроцентной вероятностей.

Есть такое понятие, как перекрестный иммунитет. Это подразумевает, что организм защищен не только от определенного вируса, но и от вируса, поменявшего свою структуру.

— Верно ли утверждение, что для победы над вирусом нужна вакцина?

— Я так думаю, это будет ясно осенью. Это зависит от поведения вируса. Нужно время.

— Если вакцина все-таки потребуются, значит ли это, что до ее создания все должны придерживаться противоэпи-

демических мер? Носить маски, будучи здоровыми?

— Это будет зависеть от цифр, которые будут получены от скрининга. Если будут высокие цифры, то нужно будет носить маски.

Носение масок — это не самое страшное. Их носят для того, чтобы не трогать лицо, слизистые. Страшные карантинные ограничения, самоизоляция. Это тяжелый момент. Сейчас люди уже ходят без масок в магазинах и других местах. Я к этому плохо отношусь. Нужно быть более законопослушными. Но народ устал.

— Используются ли компоненты крови переболевших в Узбекистане для лечения пациентов с COVID-19?

— У нас запас этих компонентов есть. Но проанализированные данные по возможному эффекту показали не такой хороший эффект, как предполагалось. Там все оказалось не просто. Нет данных о том, кому их применять.

— Приведёт ли быстрый рост числа заболевших к возврату к ограничительным мерам, которые были приняты в марте?

— Я могу дать рекомендации, но на их принятие влиять не могу. Правительство будет решать, как интерпретировать эти рекомендации. Нельзя сказать, что будет. Но я поднимаю вопрос, насколько карантинные мероприятия отражаются на здоровье людей.

Иммунитет ослабевает не только из-за таких внешних факторов, как экология, неправильный образ жизни, курение и другие. Одиночество и депрессия могут сильнее ударить по иммунной системе, чем вышеперечисленные факторы.

Я как специалист изучал влияние депрессии на активность

иммунной системы и могу сказать, что мы вводим карантин, но и убиваем иммунитет.

— Готовится ли Узбекистан ко второй волне коронавирусной инфекции?

— Могу сказать, что у нас была беспрецедентная кампания, все было организовано очень четко. Все было сделано для того, чтобы вирус не попал через приезжих. Изначально у нас было достаточно аппаратов искусственной вентиляции легких.

Мы тестируем 10 тысяч человек в день. Если тестировать больше человек, будем выявлять больше бессимптомных больных.

Чтобы знать ситуацию, надо больше тестировать население. Согласно международным рекомендациям, тестирование должно выявлять 5% положительных случаев. Если тесты выявляют больше случаев, значит, тестируется недостаточное количество людей. У нас выявляемость составляет меньше 1%. Это говорит о том, что при нынешней распространенности коронавирусной инфекции мы тестируем достаточное количество населения.

Это делается для сдерживания распространения инфекции. Мы должны знать путь эпидемии, знать, кого изолировать и кого размещать на домашний карантин. Отрабатываются схемы лечения и режим ведения тяжелых больных.

Правильная тактика при смягчении карантина — отслеживание количества больных. Нужно знать, выросла заболеваемость или нет. Если при достаточном количестве тестируемого населения положительные случаи снижаются, можно смягчить карантинные мероприятия.

КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ҚУРАШАЁТГАН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТЛАРИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ЗАРУР

Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш учун жалб қилинган тиббиёт ходимларига тўланадиган 19,6 миллиард сўм миқдоридаги рағбатлантирувчи тўловлар ўз вақтида тўланмагани ҳақида хабар берилган эди. Хусусан, Самарқанд вилоятида 61 нафар тиббиёт ходимига 1,2 миллиард сўм рағбатлантириш пулларининг тўланишида кечикиш ҳолатлари юзага келган.

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати томонидан маълум қилинишича, рағбатлантириш пулларининг тўланишида кечикиш ҳолатларининг юзага келишига сабаб бўлган ходим ўз лавозимидан озод этилган.

Хабар берилишича, 2020 йилнинг 1 май куни вилоятда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимда иш унумдорлигини янада ошириш ҳамда ходимлар томонидан ички меҳнат тартиб қондаларига тўлиқ риоя этиш масаласига қаратилган навбатдаги ижро аппарати йиғилиши ўтказилган.

Йиғилиш баёнига кўра, инқирозга қарши ташкил этилган жамғармадан берилётган 6 фоизлик қўшимча маблағ ҳамда карантинга бириктирил-

ган ходимларнинг иш ҳақлари, штатларнинг тўғри тақсимланиши, шунингдек, уларнинг ҳисоб-китобини юритиш ишлари бошқарманинг бош иқтисодчиси С. Исломов зиммасига юклатилган.

Маълум қилинишича, С. Исломов тиббиёт ходимларига маблағ ажратиш учун молия бош бошқармасига тақдим этиладиган талабномани ўрнатилган тартибда, ўз вақтида тақдим этмаганлиги сабабли ўз вазифасидан озод этилган.

Эслатиб ўтамиз, Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан 2020 йилнинг 15–18 май кунлари ўтказилган тадбирлар давомида мамлакат бўйича 32 та тиббиёт муассасасида 932 нафар ходимга 19,6 миллиард сўм миқдордаги махсус рағбатлантириш пуллари тўлови кечиктирилганлиги аниқланган.

Айтиш керакки, Ўзбекистонда коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларига ҳар 14 кунлик фаолият даври учун махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланган. Шунингдек, беморлар билан ишлаш давомида коронавирус инфекциясини юқтириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга 100 миллион сўмдан тўланади.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиги тикланмаган тақдирда тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига эса 250 миллион сўм миқдорда бир марталик тўловлар тўланади.

Daryo.uz

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНА ЁРДАМ КЕЛДИ

27 май куни Uzbekistan Airways чартер рейси билан Жанубий Корейдан Ўзбекистонга навбатдаги инсонпарварлик ёрдами олиб келинди. Бу ҳақда "Дунё" АА хабар берди.

Матрас ва ярим автомат механизми 20 та кўп функционали тиббиёт каравотларидан иборат ёрдам Жанубий Корейнинг Myung Sung Placon компанияси кўмағида шакллантирилди. Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонаси мамлакат учун инсонпарварлик ёрдами жалб қилишида давом этмоқда. Биринчи навбатда — республикада коронавирус инфекциясига қарши курашиш учун зарур бўлган портатив рентген ускуналари ва бошқа хизмлар.

126 минг доллар қийматидаги 15 тонналик қолган юк навбатдаги чартер рейс ташкил этилиши билан жўнатилади.

Агентликнинг қайд этилишича, 23 май куни Ўзбекистонга Жанубий Корейнинг Suwan TPL компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 20 та тиббиёт каравотидан иборат ёрдам олиб келинган.

Манба: Aniq.uz

31 май – Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши кураш куну

ТАМАКИСИЗ ҲАЁТНИ ТАНЛАНГ!

Дунё статистикасида қайд этилишича...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1988 йили 31 май кашандаликка қарши кураш куну, деб эълон қилинган. Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича никотинга қарам бўлиб қолган шахслар 1,3 миллиарддан зиёд бўлиб, шунинг 31 фоизи эркаклар, 10 фоизи хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Сўнги ўн йилликда чекувчилар сони камайган эмас, балки кўпаймоқда. Кашандалик фақат сигаретга муккасидан кетиш эмас, балки нос, чилим, қиздириладиган тамаки, электрон сигарета, никотинли тамакисиз снюс, турли гйехванд маҳсулотлар истеъмол қилиш орқали ҳам намён бўлмоқда.

Барча чекувчиларнинг бир йилда сигарет харид қилишга ярим миллион доллар сарфлаши аниқланган. Кашандалик 10 йил мобайнида чекиш учун сарфлаган пулига янги автомобил харид қилиш мумкин экан. Ер юзи-

казибгина қолмай, бундан ҳаттоки Ўзбекистон иқтисодига ҳам зарар етади.

Тадқиқотлар нимани кўрсатади? 18-64 ёшдаги аҳоли ўртасида кашандалик ўртача 22,4 фоиз бўлиб, эркаклар хотин-қизларга қараганда 30 баравар кўпроқ чекмоқда. Шу боисдан ҳам, чекувчи эркакларнинг умри ўртача 12 йилга қисқариб бориши кузатиляпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2016 йилда ўтказган молиявий таҳлилларига кўра, айнан Ўзбекистонда кашандалик туфайли ривожла-

Одам нима учун чекади?

Сигарет қадоғида "Чекиш инсонни ўлдиради", "Чекиш умрингизни қисқартиради", каби ёзувларни кўрса-да, кашанда оғоҳликка чорловни қабул қилмайди. Гўёки тамаки унинг назарида сиқилиши даволайди. Маълум маънода, чекувчи тинчланиши мумкин, аммо у бургага аччиқ қилиб кўрпани ёқатганини англаб етмаслиги аччиқ ҳақиқатдир. Сиқилишдан бир лаҳзага халос бўлишни истаган киши бунинг қанчадан-қанча зарарига йўлиқиши-чи? Айрим ортиқча вазн эгалари эса уни оздирувчи восита



БИЛАСИЗМИ?

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексдан: 56-модда. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно, базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

шандалик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ўхшашлик шундаки, ҳар иккиси ўпкани зарарлайди ва захарлайди. Коронавирус қисқа муддатда, сигарет эса узоқ йиллар мобайнида нафас йўллари функциясини издан чиқаради.

Агар COVID-19 чекувчига юкса, унда чекмайдиганларга нисбатан оғир асоратлар келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида жуда

мутлақо нотўғри. Сигаретдан асосан, нафас олиш тизими аъзолари ва юрак қон-томир системаси азият чекади, оғиз бўшлиғи – тиш, милка етказадиган зиёни айтмасак ҳам бўлади. Чекувчининг иммунитети пасаяди ва никотин ички аъзоларга зарба бериб ялғишлини жараёнини стимуллашди. Чекиш ўпка саратонидан ташқари, яна 13 турдаги хавфи ўсмани келтириб чиқаради.

Тамаки овқат ҳазм қилиш органларига таъсир қилиши натижасида иштаха йўқолади, оғизда беэмога таъм пайдо бўлади, сўлак безлари фаолияти бузилади. Сўлак билан ошқозонга тушган никотин кислотаси унинг деворини зарарлайди. Жиғилдон қайнайди. Меъда керагидан ортиқ шира ишлаб чиқаради. Бу эса меъда раки, ўн икки бармоқ ичак яраси каби касалликлар ривожланиши учун айни муддаодир. Кашандалик туфайли зарарланган танадан бадбўй ҳид тарқалади.

